

Исми ва нисбаси: Абу Аммора Хамза ибн Хабиб ибн Аммора ибн Исмоил аз-Зайёт ал-Куфий ат-Таймий. Тарих китобларида Хамзанинг Аммора исми фарзанди бўлгани хақида маълумот учрамайди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, мазкур куня унга улуг сахобий Абу Аммора Хамза ибн Абдулмуттолиб розияллоху анхуга таклид ва ўхшатиш юзасидан берилган. Чунки авваллари Хамза исми кишиларни Абу Аммора деб кунялаш одати бўлган.

Хамза тижорат билан шугулланар эди. Хулвондан Кўфага пишлоқ ва ёнгоқ олиб бориб, Кўфадан Хулвонга ёғ олиб келарди. Шунинг учун у «Аз-Зайёт» □ «Ёғчи» деган лакабни олган.

Унинг асл насаби форслардан. Унинг Ат-Таймий дейилишига сабаб шуки, у аслида Таймий уругининг озод килинган кулларидан бўлган.

Таваллуд ва вафоти: Хамза ибн Хабиб 80/700 санада Кўфада таваллуд топган ва 156/772 санада 76 ёшда Хулвонда вафот этган. Имом Захабийнинг Сулаймдан накл килишича, Хамза: «Мен 80 йилда тугилганман. Кироатни пухта эгаллаганимда ўн беш ёшда эдим», деган.

Манокиблари: Хамза ибн Хабиб аз-Зайётнинг тугилган санасига караганда, сахобаи киромларни кўрган бўлиши керак. Шунинг учун унинг бирор сахоба билан учрашгани аниқланмаган бўлса--да, баъзилар уни тобеинлардан деб айтган.

Хамза раҳматуллохи алайхи кўплаб инсоний фазилатлар соҳиби эди. У етук олим, хадис, фикх, мерос илмларининг билимдони, хусусан, кироат соҳасида буюк устозлардан эди. У садокат ва пархезкорликда барчага намуна бўлган, обид, зоҳид, ўта такводор, тавозели, Аллох таолога бўлган тазарруъи ва кўркинчи барк уриб турадиган солих инсон эди. Кечанинг кўп қисмини ибодат билан бедор ўтказар эди. У имом Осим ва Аъмашдан кейин Кўфада кироат илмида бош устоз мақомида хизмат кўрсатган.

Имом Жазарий у ҳақда шундай дейди: «У имом, хужжат, ишончли, мустаҳкам илмга эга, макбул, Аллохнинг китобини пухта эгаллаган, мерос илми мутахассиси, араб тили билимдони, хадис хофиси, обид, хушуъли, зоҳид, пархезкор, Аллохга доимо итоатли, беназир инсон эди».

Ёкут Хамавий: «Хамза имом, етук мутахассис, илми мустаҳкам, ахлоки макбул, Аллохнинг китобида ўта ишончли, мерос илмининг билимдони эди», деган.

Суфён Саврий: «Хамза Куръон ва мерос илмида барча одамлардан ўзиб кетди», деган эди.

Имом Захабий ва Ибн Хажарларнинг келтиришича, Ибн Фузайл: «Аллох Кўфа ахлидан факат Хамза сабаблигина балони кайтариб турибди, деб ўйлайман», дерди.

Устози Аъмаш уни кўрганда: «Бу Куръон донишманди!» дер эди. Бир сафар унинг келаётганини кўриб, Аъмаш оятдан иктибос килиб: «Тавозелиларга башорат бер» деди. Имом Хамза бир йил Кўфада, бир йил Хулвонда истикомат килиб, одамларга Куръондан таълим берарди. У дарс беришда аввалроқ келган кишидан бошлар ва доимо мана шу тартибни ушларди, бирор кишини бошқасидан устун кўймасди.

Хамза кироат коидалари ижросида чегарадан чиқиб, ошириб юборишдан кайтарар эди ва: «Ундай килма, билмайсанми, окликдан у ёғи пелик, жинглакнинг ортиқчаси кўнгирок соч, кироатдан ортиги эса кироат бўлмайди», дерди. У яна: «Албатта, ушбу таҳқиқнинг □ маромига етказиб ўқишнинг ҳам чегараси бор, у ёғига хунук бўлиб қолади», «Хамза товуши меҳнатдир, ким уни гўзал адо этса, сугуриб олади», дер эди.

Имом Жазарий ёзишича, Убайдуллох ибн Мусо шундай деган: «Хамза одамлар таркаб кетгунгача Куръон ўқитар эди. Кейин туриб, тўрт ракъат намоз ўқирди. Кейин пешин билан аср оралигида ҳам, шом билан хуфтон ўртасида ҳам намоз ўқирди».

Хамза раҳматуллохи алайхи Куръон таълими учун ҳеч кимдан ҳақ олмасди. У буни дуруст санамайдиганлардан эди. Бир сафар Кўфанинг машҳур кишилардан бири унга Куръонни тўлиқ ўқиб бергач, бир тутам динор олиб борган эди, Хамза уни қабул қилмади ва: «Мен Куръон учун ҳақ олмайман, мен у билан Фирдавсни умид қиламан», деди. Имом Заҳабийнинг ёзишича, Жарир ибн Абдулҳамид шундай деган: «Хамза аз--Зайёт жазирама иссиқ кунда олдимдан ўтиб қолди. Мен унга сув таклиф қилдим, у ичгани унамади. Чунки мен унга Куръон ўқиб берган эдим».

Халаф ибн Тамим айтади: «Отам бўйнида қарзи билан вафот этди. Мен қарздорга бирор нарса деб қўйишини сўраб, Хамзанинг олдига бордим. У: «Холинга вой! У менга Куръон ўқиб беради. Мен ўзимга Куръон ўқиб берадиган одамнинг уйдан сув ичишни ҳам хуш кўрмайман», деди».

Хамза: «Куръондан бирор ҳарфни ҳам нақлсиз ёд олмадим!» деган.

Абу Ханифа раҳматуллохи алайхи Хамзага: «Икки нарсада сен биздан ўзиб кетдинг, улар устида сен билан тортишмаймиз ҳам: Куръон ва мерос илмида», деган эди.

Суфён Саврий: «Хамза Аллохнинг китобидан бирор ҳарфни нақлсиз ўқимаган. Уни кўрсанг, ибодатгўйлигидан кўзинг қувнар эди», деган.

Аллома Ибн Ваҳбон айтади: «Хамза раҳматуллохи алайхи кўп қироат қилар эди. Қачон қарасанг, Куръон ўқиётган бўларди. Ким уни кўрса, қироат қилаётганига гувоҳ бўларди. У ҳар ойда йигирма беш ёки йигирма тўққиз марта хатм қилар эди».

Ибн Ваҳбон Сулаймдан нақл қилади: «Бир куни Хамзанинг олдига қирсам, у йиглаётган экан. «Нега йиглаяпсан?» дедим.

Шунда у: «Мана бу «Ким дўзахдан узоклаштирилса ва жаннатга киритилса, шубҳасиз, ютуққа эришибди», деган оят ҳақида тафаккур қилиб», деди.

Хофиз ал--Миззий ўзининг «Таҳзиб ал--қамал» китобида, Ибн Жавзий «Сифату ас-софва»да, Ибн Шохин «Ишарот фи илмил -ъибарот» асарида Халаф ибн Хишомдан ривоят қилади: «Сулайм менга шундай деб айтиб берди: «Мен Хамза ибн Хабиб аз--Зайётнинг олдига қириб, уни чакқасини ерга бериб, йиглаб ётган холда кўрдим ва: «Сендан Аллохнинг паноҳига қочаман!», дедим. Шунда у: «Эй, нега паноҳ сўраяпсан?! Бу кеча мен туш кўрдим: гўё қиёмат қоим бўлибди, Куръон қорилари чакирилаётган экан. Мен ҳам ҳозир бўлганлар ичида эдим. Бир сўзловчининг ширин сўзлар билан: «Менга факат Куръонга амал қилганларгина қиради», деяётганини эшитиб, орқага тисарилдим. Шунда хотифдан бир овоз менинг исмиمنى айтиб: «Хамза ибн Хабиб аз--Зайёт қани?», деди. Мен: «Лаббай, эй Аллохнинг жарчиси, лаббай», дедим. Шу пайт бир фаришта менга: «Лаббай, Аллоҳим, лаббай», дегин!», деди. Мен унинг айтганини айтдим. Кейин мени бир уйга қирғизди, мен у ерда қориларнинг шовқинини эшитдим. Бу жойнинг хайбатидан қалтираб туриб қолдим. Шунда бир сўзловчининг: «Сенга зарари йўқ. Ўқи ва кўтарил», деганини эшитдим. Юзимни буриб қарасам, оқ дурдан бўлган бир минбарнинг олдида турибман. Унинг икки табақаси сарик ёқутдан, зиналари яшил забаржаддан экан. Менга: «Ўқи ва кўтарил», деди. Мен унинг устига чиқдим. Кейин менга: «Анъом» сурасини ўқи!», дейилди. Мен ўқишга қиришдим, бироқ қимга ўқиб бераётганимни билмасдим. Ниҳоят, олтмишинчи оятгача етиб қелдим. «У бандалари устидан мутлак голибдир» оятига қелганимда, менга: «Эй Хамза! Бандаларим устида мутлак голиб эмасманми?» деди. «Ҳа, шундайсан», дедим. У Зот: «Тўғри айтдинг. Ўқийвер», деди. Мен

ўкиб, сурани тамомладим. Яна: «Ўки!» деди. Мен «Аъроф»ни ўкиб, нихоят, унинг охирига келиб, саждага эгилдим. Шунда У Зот: «Сенга ўтмишдагилари етарли, сажда килма, эй Хамза. Бу кироатни сенга ким ўкитди?», деди. «Сулаймон», дедим. «Тўгри айтдинг. Сулаймонга ким ўкитган?», деди. «Яхё», дедим. «Яхё тўгри айтибди. Яхё кимга ўкиб берган?», деди. «Абу Абдуррахмон Суламийга», дедим. «Абу Абдуррахмон тўгри айтибди. Абу Абдуррахмонга ким ўкитибди?», деди. «Набийингнинг амакисининг ўгли Али ибн Абу Толиб», дедим. «Али тўгри айтибди. Алига ким ўкитибди?», деди. «Набийинг соллаллоху алайхи васаллам», дедим. «Набийимга ким ўкитибди?» деди. «Жибрийл», дедим. «Жибрийлга ким ўкитибди?», деди. Мен жим колдим. Шунда менга У Зот: «Эй Хамза, «Сен» деб айт», деди. Мен эса «Сен» деб айтишга журъат кила олмасдим. У Зот: «Сен» деб айт», деди. Мен: «Сен», дедим. «Рост айтдинг, эй Хамза! Куръоннинг хакки шуки, Мен Куръон ахлини, албатта, икром килажакман. Айникса, агар Куръонга амал килган бўлсалар. Эй Хамза, Куръон – Менинг каломим. Мен ҳеч кимни Куръон ахлини севганимдек севмаганман. Якин кел, эй Хамза», деди. Мен якин келдим. У Зот кўлини голияга (хушбўйликка) солди--да, уни менга суртди ва: «Буни факат сенга килаётганим йўк. Сендан олдинги ва кейинги сен каби кишиларга шундай килганман. Ким сен Куръон ўкитганинг каби Куръон ўкитса, факатгина Менинг хузуримга келади. Хузуримда сенга беркитганларим бундан ҳам кўп, эй Хамза. Дўстларингга Менинг Куръон ахлига мухаббатим канчалар эканини ва уларга қандай муомалада бўлишимни билдир. Улар Менинг танланган, энг яхши бандаларимдир. Эй Хамза! Иззатим ва улуглигимга касамки, Куръон тиловат килган тилни, уни ёд олган калбни, уни тинглаган кулокни ва унга караган кўзни дўзахда азобламайман», деди. Мен: «Ўзинг поксан! Ўзинг поксан! Эй Роббим!», дедим. У Зот: «Эй Хамза! Мусхафга караб ўкувчилар қани?», деди. Мен: «Хофизларими?» дедим. «Йўк! Лекин уни Мен улар учун мухофаза киламан. Улар Менинг хузуримга келишганда Мен уларни ҳар бир оят учун бир даража кўтараман», деди. Хамза Сулаймга: «Сен энди мени йиглаб, чаккамни тупрокка белаяганим учун маломат киласанми?», деди».

Имом Захабий Абдуллох Ажалийдан накл келади: «Хамза вафот этганда минг дирхам қарзи бор эди. Якуб ибн Довуд унинг номидан қарзини тўлади».

Устозлари: Хамза ўз даврининг кироат шайхларидан, етук фуқоҳаларидан таълим олган. У кироат илмини тобеинларнинг улугларидан □ Абу Мухаммад Сулаймон ибн Мехрон Аъмаш, Абу Исҳоқ Сабиъий, қози Мухаммад ибн Абдуррахмон Ибн Абу Лайло, Хумрон ибн Аъян, Жаъфар Содик, Талха ибн Мусорриф Хамадоний, Мугийра ибн Муксим, Мансур, Лайс ибн Асламлардан олган.

Хамза Аъмашдан кироатни арз ва самоъ (устозга ўкиб бериш ва ундан эшитиш) орқали, Ибн Абу Лайло ва Хумрондан факат арз □ ўкиб бериш йўли билан олган.

У Қўфанинг энг олим факихларидан Мугийра ибн Муксим, Ибн Абу Лайло ва Жаъфар Содикдан фикх илмини, Сулаймон ибн Мехрон Аъмашдан фароиз илмини ҳам ўрганган. Хамза Адий ибн Собит, Амр ибн Мурра, Хабиб ибн Абу Собит, Талха ибн Мусорриф, Мансур ва бошқалардан ҳадис ривоят килган.

Кироатдаги санади: Хамза кироатни асосан Аъмаш, Талха ибн Мусорриф, Хумрон ибн Аъян, Абу Исҳоқ, Ибн Абу Лайло, Жаъфар Содиклардан олган. Аъмаш раҳматуллоҳи алайҳи Ибн Масъуд розияллоху анхунинг кироатларини, Ибн Абу Лайло ҳамда Жаъфар Содиклар эса Али розияллоху анхунинг кироатларини ўзлаштирган эди. Абу Исҳоқ ҳар иккисининг кироатида ўқирди. Али ва Ибн Масъуд розияллоху анхумо Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламдан таълим олганлар.

Санаднинг тафсилоти куйидагича:

Аъмаш ва Талха Куръонни Яхё ибн Вассобдан ўрганган. Яхё эса Алкама ибн Кайс, Асвад ибн Язид, Зирр ибн Хубайш, Зайд ибн Вахб ва Масрук ибн Аждаъларга ўкиб берган. Хумрон ибн Аъян Абу Асвад Дайламий, Убайд ибн Нузайл ва Мухаммад Бокирга ўкиб берган. Убайд ибн Нузайл ҳам Алкамага ўкиб берган.

Абу Исхок эса Абдуррахмон Суламий, Зирр ибн Хубайш ва Осим ибн Замра, Хорис ибн Абдуллох Хамадонийларга ўкиб берган.

Шу тарика Хамзанинг кироати тобеинларга етиб келади. Мазкур тобеинлардан: Алкама ибн Кайс, Асвад ибн Язид, Зайд ибн Вахб, Масрук, Абу Асвад, Осим ва Хорислар Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анхуга ўкиб берган;

Абу Асвад Усмон розияллоху анхуга ҳам ўкиб берган;

Абдуррахмон Суламий, Зирр ибн Хубайш, Осим ва Хорислар Али розияллоху анхуга ҳам ўкиб беришган;

Хамзанинг колган иккита устозидан бири Ибн Абу Лайло Минхол ибн Амрга, Минхол Саид ибн Жубайрга, у Ибн Аббос розияллоху анхумога, Ибн Аббос Убай ибн Каъб розияллоху анхуга ўкиб берган. Жаъфар Содик эса ўз отаси Мухаммад Бокирга, у ўз отаси Зайнулбидинга, у отаси имом Хусайнга, у Али розияллоху анхуга ўкиб берган. Ибн Масъуд, Усмон, Убай ва Али розияллоху анхум ушбу кироатни Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан ўрганганлар.

Шогирдлари: Хамза рахматуллохи алайхи буюк устозлардан бўлган. У кишининг кироатларини буюк мухаддис ва факих Суфён Саврий у зотнинг хузурларида ўкиб бериш оркали накл килган. У Хамзадан Куръонни тўрт мартаба ўкиб ўтказган. Исроил ибн Сабиъий, Али ибн Хамза Кисойй, Исхок ибн Юсуф Азрак, Хусайн ибн Али Жуъфий, Иброхим ибн Адхам, Обид ибн Абу Обид, Хасан ибн Атийя ва бошқалар унга Куръонни ўкиб берган ва ундан унинг кироатини ривоят килган. Хамзанинг энг катта шогирди Абу Ийсо Сулайм ибн Ийсо бўлган.

Ровийлари:

Хамзанинг кироатини, асосан, икки набира шогирди – Халаф ва Халлод таркатган. Улар бу кироатни Хамзанинг энг машхур ва илгор шогирди Сулайм ибн Ийсодан олганлар.

Сулайм

Исм ва нисбаси: Абу Ийсо Сулайм ибн Ийсо ибн Омир ибн Голиб ал-Ханафий ал-Кўфий. Таваллуд ва вафоти: Сулайм ибн Ийсо 130/748 йили Кўфада тугилган ва 188/804 санада вафот этган.

Манокиблари: Сулайм Хамзанинг кироатини энг пухта эгаллаган, кироатда энг билимдон ва энг катта шогирди хисобланади. Хамза уни Кўфада ўзидан кейин дарс беришга тайинлаган эди. У устозининг ўрнида ўтириб, кўп йил кироатдан дарс берган.

Сулайм Хамза ва Суфён Саврийлардан хадис тинглаган. Ахмад ибн Хумайд ва Зирор ибн Сардлар ундан хадис тинглашган ва ривоят килишган. Имом Хоким ва Найсобирийлар ўз тўпламларида унинг Хамзадан ривоят килган хадисларини келтирган. Яхё ибн Муборак айтади: «Биз йигитлик вақтимизда Хамзага Куръон ўкиб берар эдик. Сулайм келиб колса, у бизга караб: «Яхшилаб ёд олинглар ва эътиборли бўлинглар, Сулайм келди!» деб кўярди».

Кисоий айтади: «Хамзага Куръон ўкиб бераётган эдим. Бирдан Сулайм келиб колди. Мен секинлаб колдим. Шунда Хамза менга: «Сен мандан хайбатланмай, Сулаймдан хайбатланасанми?» деди. Мен: «Эй устоз, агар хато килсам, Сиз тўғрилайсиз, бу эса хато килсам, мени айблайти», дедим».

Зирор ибн Сард айтади: «Бир киши Сулайминг олдига келиб: «Эй Абу Ийсо, сенинг олдинга тахкикда □ энг секин суръатда ўкиб бергани келдим», деди. У: «Эй жиян, Хамзанинг олдига бир киши худди шу максатда келганини кўрдим. Хамза йиглаб: «Эй жиян, тахкик – Куръонни саклашдир. Агар уни сакласанг, уни тахкик килган бўласан», деди».

Халаф шундай дейди: «Мен Сулаймга Куръонни бир неча мартаба ўкиб бердим. Унинг: «Мен Хамзага Куръонни ўн мартаба ўкиб берганман», деганини эшитдим».

Сулайм ибн Ийсодан кўпчилик кишилар кироат ўрганган. Хатто Хамзанинг кўлида у билан бирга ўқийдиган шериклари ҳам кироатдаги махоратидан истифода қилиш учун унга ўкиб беришар эди. Унинг кироатини Абу Амр Дурий, Муҳаммад ибн Язид, Тоййиб ибн Исмоил, Аҳмад ибн Жубайр ва бошқалар нақл қилган. Унинг энг кўзга кўринган машхур шогирдлари Халаф ва Халлод эди.

Хамзанинг машхур ровийлари:

- А) Халаф ибн Хишом;
- Б) Халлод ибн Холид.

Халаф

Исми ва нисбаси: Абу Муҳаммад Халаф ибн Хишом ибн Саълаб ибн Халаф ал--Асадий, ал-Багдодий ал-Баззор. Унинг «ал--Баззор» □ «уруғфуруш» деб аталишидан унинг шу касб билан шугуллангани тахмин қилинади. Аммо манбаларда айтилишича, унинг ўзи бу нисбатни ёқтирмас ва: «Мени «ал--мукрий» □ «Куръон ўқитувчи» деб чақиринглар», дер экан.

Таваллуд ва вафоти: Халаф ибн Хишом 150/767 санада Багдодда тугилган. Асли Ирокнинг Фамуссилх деган жойидан. Халаф раҳматуллоҳи алайҳи 229/844 йили Жумодул-охир ойида 79 ёшда вафот этган.

Маноқиблари: Имом Халаф 10 ёшда Куръони Карим тўла ёдлади, 13 ёшида талаби илмга киришди. У илм йўлида химмати ниҳоятда баланд инсон эди. У кишининг ўзи: «Нахвдан битта боб менда жумбок бўлиб колди. Саксон минг дирхам сарфлаб, охири уни билиб олдим», деган эди.

Имом Халаф зоҳид, ибодатгўй, ҳадис ривоятида ишончли, эътиборли, етук олим, улуг инсон эди. Имом Доракутний у киши ҳақида: «Ибодатгўй, фазилатли киши эди», деган. Яҳё ибн Маъин, Насоий ва бошқалар уни ҳадис ривоятида ҳам ишончли деб айтишган. Хабарларда қилишича, Имом Халаф йил бўйи рўза тутар эди. «Сияр» соҳиби: «У имомдир. Куръонга амал қилувчи, Аллоҳга итоатли, ҳадис ва фароизда билимдон, араб тилига олим инсондир» дейди. Хусайн ибн Фаҳм: «Халаф ибн Хишомдан кўра доно инсонни кўрмаганман. У дарсни аввал аҳли Куръонлардан бошлар, кейин муҳаддисларга изн берар эди. Абу Авонанинг ҳадисидан бизларга элликта ҳадис ўкиб берган эди», деган.

«Тарихи Багдод»да Абу Бакр ибн Хаммоддан нақл қилинади: «Халафга «Нега одамларни тахкик (энг секин кироат суръати)да ўқитасан», дейилди. Шунда у:

«Мехробларда хадрда (энг тез кироат суръатида) ўқийдиган бўлишлари учун», деди». У баъзи кироатлари асносида Хамзага ҳам хилоф килгани билан танилган. Шунинг учун уни ўнинчи кироат олими сифатида ҳам зикр қиладилар. Халафнинг Хамзадан килган ривояти мутавотир кироат саналади.

Яҳё ал-Фаххом айтади: «Халаф ибн Хишомни (вафотидан сўнг) тушимда кўрдим. «Аллох сенга қандай муомала қилди?» дедим. «У Зот мени мағфират қилди», деди у».

Имом Муслим ўз «Сахиhi»да, имом Абу Довуд «Сунан»да ҳамда Ахмад ибн Ханбал, Абу Заръа ар-Розий, Ахмад ибн Абу Хайсама, Мухаммад ибн Иброхим ибн Абон ас-Саррож, Абу Яъло ал-Мавсий, Абул-косим ал-Багавий ва бошқалар ўз китобларида имом Халафдан хадис ривоят қилганлар.

Устозлари: Халаф рахматуллохи алайхи Хамзанинг кироатини Сулайм ибн Ийсо оркали, унга ўқиб бериш йўли билан олган. Шунингдек, Хамзанинг яна бир шогирди Абдуррахмон ибн Абу Хаммоддан ҳам ушбу кироатни ўрганган. У Абу Юсуф Аъшодан ҳам кироатдан тахсил олган. У Исхок ибн Мусайябий, Исмоил ибн Жаъфар, Абдулваххоб ибн Атолардан ҳам айрим оятларнинг ўқилишини накл қилган. Имом Кисоидан Куръонни тўлиқ эшитган ва Яҳё ибн Одамдан Осимнинг кироатини ўрганган.

У имом Молик ва Хаммод ибн Зайдлардан хадис тинглаган ва ривоят қилган.

Шогирдлари: Халаф ибн Хишомдан Ахмад ибн Иброхим, Исхок ибн Иброхим, Амад ибн Язид Хулвоний, Идрис ибн Абдулкарим, Мухаммад ибн Исхок ва бошқалар кироат илмидан таълим олган ва унинг кироатини накл қилган. Муслим, Абу Довуд, Абу Заръа, Абу Хотим ва бошқалар ундан хадис ривоят қилган.

Халлод

Исми ва нисбаси: Абу Ийсо Халлод ибн Холид аш-Шайбоний ал-Кўфий ас-Сайрафий.

Таваллуди ва вафоти: Халлод ибн Холид 129/747 йили Ражаб ойининг ўрталарида таваллуд топган ва 220/835 санада вафот этган.

Манокиблари: Халлод кироат илми имомларидан саналади. У ўта ишончли, беназир олим, тажвидга мохир, кироат илмини пухта эгаллаган буюк устозлардан эди. Узок йил мусулмонларга Куръондан таълим берган, илм--маърифат зиёсини таркатишга катта хизмат қилган.

Машхур кироат олими имом Доний уни Сулаймнинг энг улуг ва энг ишончли шогирди сифатида баҳолаган. Имом Захабий унинг мўътабар уламолардан эканини айтган. Абу Заръа ва Абу Хотимлар ундан хадис ривоят қилган.

Устозлари: Халлод рахматуллохи алайхи Хамзанинг кироатини Сулайм ибн Ийсо оркали ривоят қилган. У кироатни Сулаймдан арз ўқиб бериш йўли билан олган. Шунингдек, у Хусайн ибн Али Жуъфий оркали Абу Бакр Шуъбанинг, Шуъбанинг ўзидан эса Хафснинг кироатини ҳам ривоят қилган. Абу Жаъфар Мухаммад ибн Хасан Раввосийдан ҳам таълим олган.

У Зухайр ибн Муовия, Хасан ибн Солих ва бошқалардан хадис ривоят қилган.

Шогирдлари: Халлоддан Мухаммад ибн Шозон, Мухаммад ибн Хайсамлар кироат ўрганган. Ахмад ибн Язид Хулвоний, Иброхим ибн Али, Иброхим ибн Наср ар-Розий, Хамдун ибн Мансур, Косим ибн Язид Ваззон, Мухаммад бин Фазл, Мухаммад ибн Саид Баззозий, Мухаммад ибн Шозон, Кози Мухаммад бин Хайсам ва бошқа кўпчилик корилар унинг кироатини ривоят қилишган.

